

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАДАТОВ УТКИРЖОН АБДИРАХИМОВИЧ

**ХРОМ ВА МАРГАНЕЦ ИОНЛАРИНИ АНИҚЛАШНИНГ
СОРБЦИОН-СПЕКТРОСКОПИК УСУЛЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Мадатов Уткиржон Абдирахимович

Хром ва марганец ионларини аниқлашнинг сорбцион-
спектроскопик усулларини ишлаб чиқиш..... 3

Мадатов Уткиржон Абдирахимович

Разработка сорбционно-спектроскопических методов определения
ионов хрома и марганца..... 21

Madatov Utkirjon Abdirakhimovich

Elaboration of sorption spectroscopic methods for determination of
chromium and manganese ions 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАДАТОВ ЎТКИРЖОН АБДИРАХИМОВИЧ

**ХРОМ ВА МАРГАНЕЦ ИОНЛАРИНИ СОРБЦИОН-
СПЕКТРОСКОПИК АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/K181 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.ik-kimyo.nuu.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сманова Зулайхо Асаналиевна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Султонов Марат Мирзаевич
кимё фанлари доктори, доцент

Тиллайев Санжар Усмонович
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “3” 03 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш, Университет кўчаси, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88; (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; e-mail: chem0102@mail.ru .

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22 рақам билан рўйхатга олинган). Тел.: (+99871) 246-07-88; (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21;

Диссертациянинг автореферати 2022 йил “16” 02 да тарқатилди.

(2022 йил “15” 02 даги 9-рақамли реестр баённомаси).



Х.Т.Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д., профессор

Н.Х.Қутлимуратова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда технологиялар ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши хром ва марганец металлларини амалиётга қўлланилиши ва қўлланилишига бўлган талабни кундан-кунга ошишига олиб келмоқда. Маълумки, хром ва марганец металлургияда, кимёвий ва оловбардош материаллар саноатида, гальваник элементлар, керамика, бўёқлар, глазурь, эмаль, органик ва ноорганик синтезда кўп ишлатилади. Шунинг учун уларни атроф-муҳит объектлари таркибида концентрланиши натижасида бир қанча салбий оқибатларга олиб келади. Шу сабабдан хром ва марганец ионларини аниқловчи арзон, портатив, тезкор, юқори метрологик параметрларга эга бўлган услуб яратиш долзарб.

Жаҳонда кимёгар олимлар томонидан хром ва марганец ионлари билан комплекс ҳосил қилувчи органик реагентлар ёрдамида аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ривожлантириш борасида кенг қамровли изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада сўнгги йилларда толасимон ташувчиларга органик реагентларни иммобиллашда аналитик фаол гуруҳларнинг иштирок этиш механизмини аниқлаш, комплекс ҳосил бўлишида функционал фаол гуруҳларни танлаш ва янги услубларни яратиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Атроф-муҳитнинг турли объектларидан хром ва марганец ионларини аниқлашда толали сорбентга иммобилланган органик реагентлар ёрдамида танлаб таъсир этувчан, тезкор, юқори сезгирликка эга бўлган замонавий усулларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда кимё саноатини ривожлантиришда атроф-муҳит объектлари таркибидаги хром ва марганец ионларини аниқлашнинг “гибрид” услубларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олиб борилаётган дастурий чора-тадбирлар асосида мазкур йўналишда маълум ютуқларга эришилган, айниқса, оқава сувлар, рудалар, чиқинди маҳсулотлар таркибида хром ва марганец ионларини сифат ва миқдорий назорат қилиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, тубдан янги турдаги маҳсулот ва технологиялар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни такомиллаштириш” вазифалари белгилаб берилган. Республикамизда кимё саноати, халқ хўжалигида хром ва марганец каби металлларнинг кенг ишлатилиши сабабли, уларни аниқлаш учун замонавий, янада ишончли, тезкор ва арзон усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги Фармони ҳамда 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси” ҳақидаги Фармони ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг

инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда хром ва марганец ионларини рудалар ва ишлаб чиқариш корхоналари атрофидаги сув ва тупроқ таркибидан аниқлашнинг кўпгина спектроскопик усуллари мавжуд.

Кўпгина олимлар томонидан биттада ҳам концентрлаш, ҳам аниқлаш мумкин бўлган қаттиқ ташувчиларга иммобилланган органик реагентлардан фойдаланган қаттиқ фаза сифатида янги ёндашувлардан бири бўлиб, сезгирлиги ва ишончилиги билан барча талабларга жавоб беради. Бу йўналишда Ю.А.Золотов, Г.Д.Брыкина, Г.М.Мясоедова, Н.М. Кузмин, Э.А.Скрипников С.Б.Саввин, Б.М.Кондратенко, Е.И.Моросанова, В.Г.Амелин ва бошқа олимлар спектроскопик ва флуоресцент усуллари ишлаб чиқишган, бу усулларда турли ташувчилар сифатида силикагел сорбентлар, табиий цеолитлар, полиэтилен плёнкалар, целлюлоза нитрати, поликапроамид гелли мембраналар, модификацияланган кремнеземлар ва бошқалардан фойдаланилган.

Ўзбекистонда оғир металл ионларини аниқлашнинг тезкор ва содда усуллари ишлаб чиқиш билан Б.Д.Кабулов, Р.Х.Шестерова, А.М.Насимов, А.М.Геворгян., И.П. Джиянбаева., Э.Абдурахмановлар шуғулланишган. Хром ва марганец ионларини аниқлашда иммобилланган органик реагентларни қўллаш ҳалақит берувчи ионларнинг кескин камайиши, тезкорликнинг ошишига имкон беради.

Диссертация мавзуси диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг № Ф.22.7 “Селектив органик реагентлар синтези” (2012-2016 йй.), А.12.53 “Атроф муҳит объектларида экотоксикантларни фотометрик ва сорбцион-фотометрик аниқлаш усуллари ишлаб чиқишда полимер ташувчиларга иммобилланган реагентлар” (2015-2017 йй.) ва № ФЗ-20171024243 “Кобальт ва темир ионларини аниқлашда иммобилланган азореагентларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш” (2018-2019 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат, табиий объектлар таркибидаги хром (III) ва марганец (II) ионларини аниқлашнинг сорбцион-спектроскопик усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи ва ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислотаси реагентларини ППД-1 толасига иммобиллашнинг оптимал шароитлари: муҳитнинг таъсири, толанинг статик ва динамик алмашилиш сифимлари, боғ ҳосил қилишда иштирок этаётган органик реагентнинг аналитик фаол функционал гуруҳларини, иммобиллаш механизмини аниқлаш;

толага иммобилланган 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи ҳамда ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислотаси билан хром ва марганец ионларини комплекс ҳосил қилишининг оптимал шароитлари: эритма муҳити, Бугер-Ламберт-Бер қонунинига бўйсунуши, ҳалақит берувчи ионларнинг таъсирини аниқлаш;

комплекс бирикмаларнинг барқарорлик константалари, таркиби, комплекс ҳосил бўлиш механизмини аниқлашда квант-кимёвий ҳисоблаш, ИҚ ва нур ютиш ҳамда қайтариш спектроскопияси, рентгено-флуоресцент усулларининг танланган органик реагентларнинг аналитик хоссалари билан боғлиқлигини аниқлаш;

Хром (III) ва марганец (II) ионларини сорбцион-спектроскопик аниқлаш усулини ишлаб чиқиш:

ишлаб чиқилган сорбцион-спектрофотометрик усулини хром (III) ва марганец (II) ионларини аниқлашда турли модел, бинар, учламчи ва мураккаб аралашмалари, оқава сувлар ҳамда кимё саноати чиқинди маҳсулотлари намуналарига қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти саноат корхоналари чиқиндилари, тупроқ, табиий ва оқава сувлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети хром ва марганец ионлари, уларнинг бирикмалари, ПАН асосидаги модификацияланган толалар, сульфо-, азо-, карбоксил-, гидроксил- гуруҳлар тутган органик реагентлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Оптик (спектрофотометрик, сорбцион-спектрофотометрик, нур қайтариш спектроскопияси, рентген-флуоресцент) анализ усуллари, элемент анализи, ИҚ-спектроскопияси ва квант-кимёвий ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи ҳамда ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислотаси реагентларининг фаол функционал ва аналитик гуруҳлари толали сорбентларга иммобиллашнинг ва комплекс ҳосил бўлишнинг квант-кимёвий ҳисоблашлари (Gaussian дастури) ёрдамида аниқланган;

толага органик реагентларнинг иммобилланиш ва металл ионлари билан комплекс ҳосил қилиш оптимал шароитлари топилди, улар асосида хром(III) ҳамда марганец (II) ионларини эритма муҳити кислотали бўлганда комплекс ҳосил қилишига ҳалақит берувчи ионларнинг таъсири камайганлиги исботланган;

комплекс бирикмаларнинг барқарорлик константалари Комарь ва Толмачёв усули ёрдамида, комплекс таркиби эса $Me:R=1:1$ нисбатда реакцияга киришиши Асмуснинг тўғри чизиқлар, изомоляр сериялар, тўйинтириш усуллари ёрдамида исботланган;

хром (III) ва марганец (II) ионларини аниқлашда иммобилланган 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфоқислотанинг икки натрийли тузи ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислоталари ёрдамида сорбцион-спектрофотометрик усули ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган усул турли модел, бинар, учламчи, мураккаб аралашмалар, табиий ва оқава сувлар ҳамда кимё саноати чиқинди маҳсулотлари намуналарида хром ва марганецни аниқлашга қўлланилган, натижада метрологик параметрлари юқорилиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфоқислотанинг икки натрийли тузи ва ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислота реагентларини ППД-1 толасига иммобиллашнинг ва комплекс ҳосил бўлишининг оптимал шароитлари аниқланган;

хром (III) ва марганец (II) ионларини иммобилланган 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфоқислотанинг икки натрийли тузи ва ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислоталар билан аниқлашда ишлаб чиқилган сорбцион-спектрофотометрик усулини қуйи аниқланиш чегараси спектрофотометрик усулига нисбатан бир неча марта камайганлиги исботланган;

хром (III) ва марганец (II) ионларини иммобилланган 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфоқислотанинг икки натрийли тузи ва ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислота билан сорбцион-спектрофотометрик усулида атроф-муҳит объектлари бўлган табиий ва оқава сувлари ҳамда тупроқ таркибидан аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижаларни “киритилди-топилди”, “қўшимчалар қўшиш”, квант-кимёвий ҳисоблашлар ва бошқа усуллар билан тасдиқланганлиги, атроф-муҳит объектларининг реал намуналари ДСТ усуллари билан солиштирилганлиги ва математик статистик усуллари ёрдамида қайта ишланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полимер ташувчиларга органик реагентларни иммобиллашнинг оптимал шароитлари аниқланганлиги, уларни хром (III) ва марганец (II) ионларига танлаб таъсир этувчанлигини ошириш имкониятлари кўрсатиб берилди, бегона ҳалақит берадиган ионларнинг таъсири камайтирилди, шунингдек реагентларнинг иммобилланиши ҳисобига хром (III) ва марганец (II) ионларини аниқлашнинг аналитик ва метрологик параметрлари яхшиланганлиги билан ифодаланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти хром (III) ва марганец (II) ионларини аниқлашнинг сорбцион-спектрофотометрик усуллари табиий ва саноат

объектлари анализда қўлланилиши аналитик кимёнинг муаммоларини ечишга хизмат қилиш билан ифодаланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Саноат оқава сувларида хром (III) ва марганец (II) ионларини аниқлаш ва тозалашнинг янги сорбцион-спектроскопик усулини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида;

иммобилланган органик реагентлар ёрдамида хром ва марганец ионларини аниқлашнинг сорбцион-спектрофотометрик усули Олмалик кон-металлургия комбинати акциядорлик жамиятининг “Марказий аналитик лабораторияси” амалиётига жорий қилинган. (“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ нинг 2021 йил 11-октябрдаги 1263/1-сон маълумотномаси). Натижада оқава сувларда хром (III) ва марганец (II) ионларини тезкор аниқлаш имконини берган;

хром (III) ва марганец (II) ионларини аниқлаш ва ажратиш усули Навоий кон-металлургия комбинатининг амалиётига жорий қилинган (“Навоий кон-металлургия комбинати” ДК нинг 2021 йил 11 июнь 02-06-04/6195-сон маълумотномаси). Натижада оқава сувлар таркибидаги оғир металлларнинг ионларини аниқлаш ва самарали тозалаш имконини берган;

хром (III) ва марганец (II) ионларини аниқлашнинг сорбцион-спектрофотометрик усулидан ФЗ-20171024243 рақамли “Кобальт ва темир ионлари билан иммобилизацияланган азореагентларнинг физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳада саноат чиқиндилари таркибидаги рангли металлларни аниқлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 89-03-5424-сон маълумотномаси). Натижада саноат чиқиндилари таркибидаги оғир ва заҳарли металл ионларини аниқлашнинг тест усулини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари асосида 11 та, шундан, 4 та халқаро ва 7 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 17 та илмий иш нашр этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 6 та, шундан, 5 та республика миқёсида, 1 та халқаро журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари келтириб ўтилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ёритилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги айтиб ўтилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган



натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий этилиши бўйича маълумотлар келтирилган, диссертация ишига доир илмий мақолалар ҳамда тезислар чоп этилган, диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Хром (III) ва марганец (II) ионларини аниқлаш усуллари”** номли биринчи бобида хром ва марганец ионларини физик-кимёвий усуллар ёрдамида турли хил толасимон сорбентлар билан аниқлаш, шунингдек, оғир ва заҳарли ҳисобланган хром (III) ва марганец (II) ионларини турли хил объектлардан 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи ҳамда ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислотаси реагентлари ёрдамида сорбцион-спектрофотометрик аниқлаш усуллари ва натижалари умумлаштирилган. Органик реагентларни толасимон сорбентларга иммобиллаш, улар асосида кўплаб оғир ва заҳарли металлларни, шу билан бирга хром ва марганец ионлари ҳам етарлича ўрганилмаганлиги кўрсатилган.

Бу эса тадқиқот объектини кўрсатади, табиати турлича бўлган бир қанча сорбентлардан фойдаланиш, уларни сорбцион-спектрофотометрик ва визуал-тест усуллари қўлланилиши, оптик ва электрокимёвий сенсорлардан фойдаланилиши ҳақида кўплаб маълумотларнинг таҳлиллари умумлаштирилган. Бундан ташқари хром ва марганец ионларини табиий ва бир қанча ҳудудлар ичимлик сувларидан аниқлашнинг оптик, электрокимёвий ва бошқа кўплаб замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари ўрганилиб усулларнинг бир-бирига нисбатан бир қанча аналитик кўрсаткичлари солиштирилиб маълумотлар умумлаштирилди.

Диссертациянинг **“Хром ва марганеци ионларини аниқлашда ишлатиладиган асбоблар, материаллар ва реактивлар эритмалар ва реагентларни тайёрлаш усуллари”** номли иккинчи бобида толасимон сорбентларга иммобилланган органик реагентлар олиш учун турли хил синфга мансуб таркибида фаол-функционал гуруҳ тутган органик бирикмалардан ҳамда ЎзМУ Полимер моддалар кимёси кафедраси ходимлари томонидан ПАН асосида синтез қилинган толалардан фойдаланилди (1-жадвал). Бундан ташқари тадқиқот жараёнида фойдаланилган асбоблар ва таҳлил усуллари органик реагентлар, металл тузларининг стандарт ва ишчи эритмаларини ДавСТ усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрлаш, намуналарни танлаш, уларни таҳлилга тайёрлаш усуллари келтирилган. Иммобилизация жараёнини олиб боришда толанинг статик ва динамик алмашилиш сиғимларини сорбция ҳамда десорбция ишларини амалга ошириш, моддалар таркибини аниқлаш ишлари келтирилган. Ишда фойдаланилган органик реагентларнинг тузилиш формулалари 1-жадвалда келтирилган.

Органик реагентларнинг тузилиш формулалари

№	Реагент номи	Техник номи. Брутто формуласи	Реагентнинг тузилиш формуласи
1	1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи	$C_{10}H_6Na_2O_8S_2 \cdot 2H_2O$ 400,29 г/моль	
2	Ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислотаси	$C_{19}H_{15}NO_8$ 385г/моль	

Арзон маҳаллий хомашёлардан ПАН асосида синтез қилиб олинган – толасимон сорбентларга иммобилланган органик реагентларнинг физик-кимёвий хоссалари тадқиқ қилинди. Синтез қилиб олинган толасимон сорбентларга иммобиллашнинг мақбул шароитлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Органик реагентларни иммобилланишининг қулай шароитлари
($m_H=0,2$ гр.)

Реагент	Ташувчи	pH	Буфер аралашма ҳажми, мл	Ютилиш максимуми, λнм	Вақт, мин.
ДНДК	ППД-1	3,0	5,00	356	5-30
АМДК	ППД-1	4,0	5,00	440	5-40

Кейинги изланишларда оптимал ташувчи сифатида танлаб олинган ППД-1 толага иммобилланган 1,8-диоксинафталин 3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи ҳамда ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислотаси реагентларидан фойдаланилди, улар хром (III) ва марганец (II) ионларини аниқлаш учун қўлланилди.

Диссертация ишининг “**Хром ва марганец ионларининг комплекс ҳосил қилиш ва иммобилланиш шароитларини оптималлаштириш**” номли учинчи бобида реагентларнинг оптик ва физик-кимёвий хусусиятлари, улар ёрдамида хром ва марганец ионлари билан комплексларини олишнинг мақбул шароитлари келтирилган (3-4-жадвал).

Фойдаланилаётган органик реагентларда мавжуд турли хил ФФГ ва ААГ таъсири ўрганилиб бир вақтнинг ўзида ППД-1 толасига органик реагентлар иммобилланганда ҳам ушбу фаол гуруҳлар танлаб таъсир этувчанлик қобилиятини йўқотмайди.

3-жадвал

Реагентларни ППД-1 толасига иммобилланишининг вақтга боғлиқлиги ДНДК ($\lambda=356$ нм), АМДК ($\lambda=440$ нм)


t мин.	5	10	15	20	25	30	40	50
ДНДК	0,05	0,1	0,16	0,2	0,23	0,24	0,24	0,24
АМДК	0,04	0,15	0,2	0,24	0,26	0,27	0,28	0,28

4-жадвал


Оптимал буфер эритма танлаш

Буфер эритма	pH	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
R%													
ДНДК(1,8-диоксинафталин 3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи	Универсал	32	56	80	62	53	34	17	8	-	-	-	-
	Цитратли	-	20	30	45	38	35	-	-	-	-	-	-
	Фосфатли	-	-	-	-	14	18	19	12	-	-	-	-
	Тартратли	-	-	2	17	24	29	50	44	27	-	-	-
АМДК (ализарин-3-метиламино-N,N- дисирка кислотаси	Универсал	15	34	57	76	62	27	11	-	-	-	-	-
	Цитратли	-	8	18	25	19	14	-	-	-	-	-	-
	Фосфатли	-	-	-	-	23	39	34	19	-	-	-	-
	Тартратли	-	-	6	10	18	25	32	24	15	-	-	-


Олиб борилган изланиш натижаларидан маълум бўлдики, ААГ борлиги, ушбу реагентларнинг хром ва марганец ионларини аниқлашда танлаб таъсир этувчанлиги ҳамда сезгирлигини оширди.




1-расм. ДНДК турли толаларда иммобилланишигача (1-3) ундан кейинги (4-6) нур қайтариш спектрлари ($C_R=0,2M$, $\lambda_R=440$ нм, $pH=3-3.5$). $m_{\text{сорб.}}=0,2000г$, $V=10мл$, $t=5$ мин).




2-расм. АМДК турли толаларда иммобилланишигача (1) ундан кейинги (2) нур қайтариш спектрлари ($C_R=0,2M$, $\lambda_R=510$ нм, $pH=4$, $m_{\text{сорб.}}=0,2000$ г, $V=10$ мл, $t=5$ мин).



3-расм. АМДКнинг ППД-1 толага иммобилланишидан олдинги (1) ва кейинги (2) ютилиш спектрлари ($m_{\text{сорб}}=0,2000$ г, $V=10$ мл, $t=5$ мин).




4-расм. ДНДК (1) ва унинг хром (III) билан комплексининг ютилиш спектри (2) $\lambda=356, 494$ нм.




5-расм. АМДК(1) ва унинг марганец (II) билан комплексининг ютилиш спектри (2) $\lambda=440, 570$ нм.

Юқорида олинган спектрофотометрик таҳлил натижаларидан шундай хулосага келиш мумкинки, реагентларнинг нур ютилиш ва қайтариш спектрларининг таҳлили асосида (1-5 расм) спектрларида аналогия кузатилди. Ёруғлик ютилиши максимумларининг батохром силжиши органик реагентларнинг бир неча хил муҳитларда фарқли диссоциланишига боғлиқ экан. Хром(III) ва марганец (II) ионларини аниқлашда реакция кучли ва кучсиз кислотали муҳитда ишлаш даркор, сабаби бошқа муҳитда қайтмас реакция кетади ва оқибатда керакли бўлган аналитик сигнални олиш имкони йўқолади.

ДНДК ва АМДК реагентлар иммобилланишда энг мақбул ташувчи сифатида ППД-1 ҳисобланади. Бу реагентларнинг функционал гуруҳлари ҳамда ташувчи сорбент гуруҳлари ўртасида кимёвий боғланиш ҳисобига амалга ошади. Ўрганилаётган ДНДК ва АМДК реагентларнинг сульфогуруҳ, карбоксил гуруҳларининг ташувчи сорбентда мавжуд ион ҳолатдаги аминогуруҳлари билан қуйидаги механизм асосида реакцияга киришиши исботланди:




ДНДК реагенти учун эса қуйидаги механизми таҳлил қилинди




Тавсия этилган схема асосида реакциянинг кетишига иммобилланган ташувчилардаги ИҚ-спектрларининг ютилиш соҳаларининг силжиши кўрсатади, ушбу ютилиш соҳалари реакцияда иштирок этаётган ташувчиларнинг ФФГ ва иммобилланган органик реагентларига таъллуқли. Иммобилланган реагентларнинг ҳамда уларнинг аниқланаётган металл ионлари билан ҳосил қилган комплекслари структурасини ўрганишдаги электрон ва ИҚ-спектроскопияси таҳлил натижалари ушбу механизмни исботлади.

Квант-кимёвий усуллари ёрдамида реагентларнинг электрон булут зичликлари максимумларининг қийматлари топилди. Кислотали шароитда танлаб олинган реагентларнинг протонланиши асосида координацион боғ вужудга келади. Танлаб олиб иммобилланган реагентларда бир қанча потенциал марказлар мавжуд бўлади, булар азот, кислород атомларида электроманфийлик юқорироқ бўлганлиги сабабли металл атомларига кучли электростатик тортишувга эга.



6-расм. 1,8-диоксинафталин 3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузининг квант-кимёвий ҳисоблаш натижаси.



7-расм. Ализарин-3-метиламино- N,N-дисирка кислотасининг квант- кимёвий ҳисоблаш натижаси.

Юқорида фойдаланилаётган 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислота-нинг икки натрийли тузида энг катта электрон булут зичлик сульфо гуруҳида эканлиги аниқланди, ва ушбу гуруҳ актив бўлганлиги сабабли толага иммобилланади, металл ионлари билан боғланиб комплекс ҳосил қилиши реагентдаги гидроксогуруҳлар ҳисобига амалга ошади.

Хром (III) ва марганец (II)ни иммобилланган ДНДК ва АМДК реагентлари билан комплексларининг натив реагентларнинг структураси, ташувчи сорбентларга иммобилланиш химизми ИҚ-спектрларнинг таҳлилларидан аниқланди. Органик реагентларнинг аниқланаётган металл ионлари билан ҳосил қилган комплексларининг инфрақизил спектрлари ИК-Фурье спектрометрларида “Nicolet Justrument Corporation” (АҚШ), “Nicolet IS50: FT-IR Grows”, Шимадзу “IRAffinity-1” (Япония) олинди.

Диссертациянинг “**Хром (III) ва марганец (II) ионларини аниқлашнинг аналитик ва метрологик тавсифлари**” номли тўртинчи

бобида аниқланаётган металл ионларининг иммобилланган ДНДК ва АМДК органик реагентлари ёрдамида комплекс ҳосил бўлишнинг аналитик хусусиятлари аниқланди ва метрологик параметрлари топилган.

5-жадвал


Комплекс ҳосил бўлишнинг оптимал шароитлари

№	ДНДК (1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи)				АМДК (ализарин-3-метиламино-N,N- дисирка кислотаси)			
	λ_R , нм	λ_{CrR} , нм	$\Delta\lambda$	l мм	λ_R , нм	λ_{MnR} , нм	$\Delta\lambda$	l мм
1	356	494	138	10	440	570	130	10


Толага иммобилланган органик реагентлар ёрдамида ўрганиланаётган металл ионларини аниқлашда аналитик сигналга реагентнинг муҳити, сарфланадиган вақти, табиати ҳамда бошқа кўплаб омиллар таъсир этиши адабиётлардан маълум. Шунинг учун тавсия этилаётган металл ионларини сорбцион-спектроскопик аниқлаш шароитларини оптималлаштириш орқали ишлаб чиқилган усулнинг селективлигини ва сезгирлигини оширишга шу орқали эришилди. Бегона ҳалақит берадиган ионларнинг таъсир доираси камайтирилди. Ишлаб чиқилган усулнинг оптимал шароитлари 5-жадвалда келтирилган.

1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи реагентнинг ИҚ-спектрида 3129-3531 cm^{-1} соҳаларда –ОН гуруҳига тегишли бўлган ютилиш чўққилари кузатилган. 1056-1412 cm^{-1} C-S=O, -C=O боғларига тегишли ютилиш максимумлари кузатилган. 1109-833 cm^{-1} соҳа оралиғида ДНДК реагентнинг иккита фенил гуруҳига тегишли ароматик ҳалқа ютилишлари кузатилган.


ППД-1 сорбентига иммобилланган ДНДК реагентнинг ИҚ-спектрида ютилиш чўққиларининг 3600-3300 cm^{-1} жуда кенг соҳада ҳосил қилганини кўришимиз мумкин. Бу кенгайишлар ташувчи ва ДНДК реагентининг молекулалараро водород боғлари ҳисобига ҳамда донор-акцептор боғлари ҳисобига иммобилланганидан далолат беради.



6-расм. 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи реагентининг ИҚ-спектри.




7-расм. Имобилланган 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокисло танинг икки натрийли тузи реагентининг ИҚ-спектри.




8-расм. ППД-1 толасига имобилланган ДНДК реагенти билан Cr (III) иони ҳосил қилган комплексининг ИҚ-спектри.

ППД-1 толасига имобилланган АМДК реагентнинг ИҚ-спектри ва АМДК реагентнинг ИҚ спектрлари солиштириш натижасида фарқли равишда 3550 см^{-1} соҳасида боғланмаган -OH гуруҳларига тегишли ютилиш максимумларининг 3294 см^{-1} соҳага сурилиб, молекулалараро боғ ҳосил бўлгани ҳисобига жуда кенгайган ҳолда чиққанини кузатишимиз мумкин. ППД-1 толасига имобилланган ДНДК реагенти билан Cr^{3+} иони ҳосил қилган комплексининг ИҚ-спектрида $533\text{-}664\text{ см}^{-1}$ соҳада Cr-O , Cr-N боғларига тегишли валент тебранишлари кузатилган.

Ишлаб чиқилган сорбцион-спектрофотометрик усулнинг тўғрилигини текшириш учун имобилланган ализарин-3-метиламино- N,N -дисирка кислотаси ҳамда 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи реагентлари ва улар асосида Cr ва Mn ионларини олинган комплекс бирикмаларнинг рентген-флуоресцент спектрлари олинган (9, 10 расмлар).



9-расм. ммобилланган 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузининг рентген-флуоресцент спектри.




10-расм. Имобилланган 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи реагентининг хром (III) ни билан комплексининг рентген-флуоресцент спектри.

ППД-1 толага имобилланган толани ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислотаси реагентининг рентген-флуоресцент спекрларида ППД-1 толасида мавжуд бўлган Cl^- ионига тегишли юқори интенсивликдаги чўққисини кўришимиз мумкин. Имобилланган ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислотаси билан марганец(II)нинг бирикишидан олинган комплекс бирикманинг рентген-флуоресцент таҳлилида марганец ионига тегишли интенсив чўққининг пайдо бўлишини полимерли ташувчида марганец билан янги комплекс бирикманинг ҳосил бўлганлигидан дарак беради.

Имобилланган 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи билан хром комплексининг рентген-флуоресцент спектрида аналогик ҳолат кузатилди.

Хром ва марганец ионларини имобилланган 1,8-диоксинафталин 3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи ва ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислотаси реагентлари ёрдамида ҳосил бўладиган комплекс бирикмаларининг Бугер-Ламберт-Бер қонунига бўйсунуш чегараси аниқланди (13-расм).



13-расм. Имобилланган ДНДК, АМДК ёрдамида мос равишда хром ва марганец ионларини аниқлашнинг градуировкали графиклари.

Юқоридаги графиклардан кўриниб турибдики, Бугер-Ламберт-Бер қонунига бўйсунуш соҳаси 25 мл эритмада 0,2-2,4мкг/мл гача бўлган ораликда кузатилди. Корреляция коэффиценти эса 1 га яқин.

Хром (III) ва марганец(II) ионларини эритмаларда индивидуал равишда аниқлашда “киритилди-топилди” усулидан фойдаланилди, олинган таҳлил натижалари киритилган қийматларга мос келиши, нисбий стандарт четланишининг 0,33 дан ошмаганлиги кузатилди. Ушбу ишлаб чиқилган

усулнинг аниқлиги, қайта тикланувчанлиги ва тўғрилигидан дарак беради (6-жадвал).

Ишлаб чиқилган сорбцион-спектрофотометрик усулларни хром (III) ва марганец (II) ионларини табиий объектларда иммобилланган 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфоқислотасининг икки натрийли тузи ҳамда ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислоталари ёрдамида аниқлаш ва қўллаш имкониятларини синаш мақсадида иккиламчи, учламчи ва мураккаб аралашмаларда таҳлил ишлари олиб борилди. Хром (III) ва марганец (II) ионларини сунъий аралашмалар ҳамда реал объектлар таркибидан аниқлаш натижалари 6 ва 8-жадвалларда келтирилган.

6-жадвал

№	Комплекс бирикма таркиби	Комплекс бирикманин λ_{\max} nm	Таҳлил вақти	Нисбий стандарт четланиш қийматлари	Қуйи аниқлаш чегараси, мкг/мл
1	Cr:ДНДК 1:1	494	15	0,19	0,2
2	Mn:АМДК 1:1	570	15	0,12	0,2

7-жадвал

Хром(III) ионини сунъий аралашмалардан сорбцион-спектрофотометрик аниқлаш натижалари (P=0,95; n=5)

Таҳлил қилинадиган аралашма таркиби, мкг	Топилди Cr, мкг ($\bar{x} \pm \Delta X$)	S	Sr
Cr(1,0)+Pb(2,0)+Zn(15);	0,93±0,09	0,08	0,084
Cr (1,0)+Mn(2,0)+ Cd(4,0);	0,96±0,18	0,16	0,081
Cr (1,0)+Mn(2,0)+ Cu(1,0);	1,03±0,21	0,19	0,096
Cr (1,0)+Mn(1,0)+Cd(13,0)+Cu(10,0);	1,06±0,12	0,11	0,112
Cr (3,0)+Mn(5,0)+ Fe(15,0)+Zn(10,0);	2,87±0,68	0,59	0,121
Cr (0,5)+Mn(3,0)+Cd(2,0)+Cu(10,0)+Fe(30,0)	0,57±0,63	0,55	0,172

8-жадвал

Сунъий аралашмалардан марганец (II) ни “киритилди-топилди” усулида аниқлаш натижалари (n=5, P=0,95)

№	Киритилди, мкг/мл ($\bar{x} \pm \Delta X$)	Топилди, мкг/мл ($\bar{x} \pm \Delta X$)	n	S	Sr
1	1,1	1,11±0,072	4	0,04	0,036
2	2,2	2,25±0,089	5	0,09	0,040
3	4,4	4,47±0,180	5	0,15	0,045
4	8,8	8,77±0,195	4	0,26	0,029
5	17,6	17,62±0,148	5	0,38	0,021

Диссертациянинг “Ишлаб чиқилган хром ва марганец ионларини сорбцион-спектроскопик аниқлаш усуллариининг қўлланилиши” номли бешинчи бобида аниқланаётган ионларнинг ишлаб чиқилган сорбцион-спектроскопик усуллариини табиий объектлар намуналари таркибидан Cr^{3+} ва Mn^{2+} ни аниқлашга қўлланилган.

Ишлаб чиқилган усул бўйича олинган натижаларнинг тўғрилиги ва қайта тикланувчанлиги “қўшимчалар қўшиш” ва “киритилди топилди” усулларида табиий сувларнинг реал намуналарида аниқлаш орқали текширилди. Олинган натижалар 9-11-жадвалларда келтирилди.

9-жадвал

Хром (III) ионини Зарафшон дарё сувидан сорбцион-спектрофотометрик аниқлаш натижалари (P=0,95)

Ион	киритилди, мг/л	топилди, мг/л	n	Sr
Cr+3	0,025	0,023±0,0015	4	0,05
	0,25	0,252±0,0125	5	0,04
	0,50	0,492±0,0132	5	0,02
	1,00	0,985±0,0384	4	0,03

Юқорида келтирилган жадваллардаги маълумотлардан маълумки хром ионини турли дарё ва оқава сувлардан аниқлашда ишлаб чиқилган усулнинг самарадорлигидан далолат беради.

10-жадвал

(“Навоий КМК”) Оқава сувида хром ионини аниқлаш натижалари (P=0,95)

№	Топилган Cr^{3+} , мкг/дм ³ ($\bar{x} \pm \Delta X$)	n	S	Sr
1	0,215±0,064	4	0,04	0,186
2	0,224±0,037	5	0,03	0,134
3	0,257±0,061	5	0,05	0,195
4	0,447±0,095	4	0,06	0,134
5	0,662±0,098	5	0,08	0,121

11-жадвал

Марганец ионини турли тупроқ намуналарида аниқлаш натижалари (n=5, P=0.95)

№	Топилди Mn^{2+} , мкг/кг ($\bar{x} \pm \Delta X$)	n=5	S	Sr
1	0,75±0,12	5	0,09	0,120
2	1,53±0,16	4	0,10	0,065
3	2,81±0,09	5	0,07	0,025
4	3,31±0,10	4	0,06	0,018
5	4,12±0,06	5	0,05	0,012
6	5,76±0,05	4	0,03	0,005

9,10-жадвалларда берилган маълумотлардан кўриниб турибдики, хром ва марганец ионларини табиий объектлар таркибидан иммобилланган 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи ва ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислотаси реагентлари ёрдамида аниқлашда ишлаб чиқилган сорбцион-спектроскопик усулнинг аналитик ва метрологик кўрсаткичлари бирмунча яхшиланганлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

1. Хром(III) ва марганец(II) ионларини сорбцион-спектрофотометрик аниқлаш учун диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи ва ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислоталар аналитик реагентлар сифатида тавсия этилди.
2. Хром ва марганец ионларини 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи ва ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислоталар ёрдамида аниқлашнинг мақбул шароитлари таклиф қилинди.
3. 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи ва ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислоталар реагентларнинг электрон булут зичликлари ярим эмперик усуллар ёрдамида аниқланди. Толали сорбентларга органик реагентларни иммобиллашда $-SO_3H$ ва COO^- гуруҳлар, металл ионлари билан комплекс ҳосил бўлишида эса $-OH$ ва $-N=$ иштирок этиши изоҳланди.
4. Хром ва марганец ионларини толага иммобилланган реагентлар билан ҳосил қилган комплексларининг тузилиши, механизми ИҚ-, нур ютиш, нур қайтариш, рентген-флуоресцент спектроскопия анализ усуллари билан исботланди, комплекснинг таркиби изомоляр сериялар ва Асмуснинг тўғри чизиқли усуллари ёрдамида $Me:R=1:1$ эканлигини аниқлаш имконини кўрсатади.
5. Хром ва марганец ионларини иммобилланган 1,8-диоксинафталин-3,6-дисульфокислотанинг икки натрийли тузи ва ализарин-3-метиламино-N,N-дисирка кислоталар ёрдамида сорбцион-спектрофотометрик аниқлаш усули ишлаб чиқилди, олинган натижаларнинг нисбий стандарт четланишлари қиймати 0,33 дан ошмаганлиги билан изоҳланади.
6. Ишлаб чиқилган сорбцион-спектрофотометрик анализ усули Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатларининг марказий лабораторияларидан синовдан ўтди ва стандарт намуналар, тупроқ, саноат оқова сувлари таркибидан Cr (III) ва Mn (II) ионларини аниқлашда тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К.01.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

МАДАТОВ УТКИРЖОН АБДИРАХИМОВИЧ

**РАЗРАБОТКА СОРБЦИОННО-СПЕКТРОСКОПИЧЕСКИХ МЕТОДОВ
ОПРЕДЕЛЕНИЯ ИОНОВ ХРОМА И МАРГАНЦА**

02.00.02-Аналитическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.2.PhD/K181

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу Научного совета ik-kimyo.nuu.uz. и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель

Сманова Зулайхо Асаналиевна,
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Султанов Марат Мирзаевич
доктор химических наук, доцент

Тиллайев Санжар Усманович
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация

Ташкенский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «3» 03 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская, 4, Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № 22). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88, 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz

Автореферат диссертации разослан «16» 02 2022 г.
(протокол рассылки № 9 от «15» 02 2022 г.)



Х.Т.Шарипов

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Д.А.Гафурова

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.х.н., профессор

Н.Х.Кутлимуротова

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире развитие технологий и производства приводит к возрастающей потребности в применении хрома и марганца на практике. Известно, что хром и марганец используются в металлургической, химической, огнеупорной промышленности, в производстве гальванических элементов, керамики, получения красок, глазурей и эмали, органическом и неорганическом анализе. По этой причине концентрирование и накопление их в окружающей среде приводит к ряду негативных последствий. Поэтому создание малозатратных, портативных, быстродействующих методов с высокими метрологическими параметрами для определения ионов хрома и марганца остается актуальным.

Ученые химики всего мира проводят обширные исследования по разработке и развитию методов обнаружения ионов хрома и марганца с использованием комплексобразующих органических реагентов. В связи с этим, в последние годы одной из актуальных задач является определение механизма взаимодействия аналитико-активных групп в процессе иммобилизации органических реагентов на волокнистых носителях, подбор функционально-активных групп при образовании комплексов и создание новых методов определения ионов металлов. При обнаружении ионов хрома и марганца из различных объектов окружающей среды особое значение имеет создание современных селективных, экспрессных, высокочувствительных методов с использованием избирательных органических реагентов, иммобилизованных на волокнистых сорбентах.

В нашей стране в развитии химической промышленности особое внимание уделяется созданию «гибридных» методов определения ионов хрома и марганца в окружающей среде. На основе проводимых программных мероприятий достигнут значительный прогресс в этом направлении, в частности, ведется большая работа по контролю качества и количества ионов хрома и марганца в сточных водах, рудах, отходах производства. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи «дальнейшего ускорения производства готовой продукции на основе переработки местного сырья, освоения принципиально новых видов продукции и технологий, совершенствования на новый уровень качества». В связи с широким применением в химической промышленности, народном хозяйстве таких металлов, как хром и марганец, актуальной является разработка современных, более надежных, быстродействующих и дешевых методов их обнаружения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, указанных в постановлениях президента Республики Узбекистан от 2 марта 2020 года № ПП-5953 «О государственной программе по реализации в год развития науки, просвещения и цифровой экономики», от 7 февраля 2017 года № ПП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан», от 3 апреля 2019 года № ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию

химической промышленности и повышению ее инвестиционной привлекательности» и других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике: «VII. Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В мире существует множество спектроскопических методов для обнаружения ионов хрома и марганца в составе руд, вод и почв производственных предприятий.

